

Фотима розияллоҳу анҳо сепларининг ҳақиқати



11:05 / 27.07.2019 5226

Мавлоно Муҳаммад Шамшод Надавӣ ҳазратлари айтадилар:

Мусулмонларнинг бир гуруҳи сепни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари эканлигини исбот қилишга беҳуда ҳаракат қилиб айтадиларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суюкли қизлари Фотима розияллоҳу анҳога сеп берган эдилар.

Лекин ҳақиқат шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Али розияллоҳу анҳуни қарамоқларига олган эдилар ва Ҳазрати Али розияллоҳу анҳуда оила қуришга ҳеч нарсалари йўқ эди. Ҳижратнинг иккинчи йилида Фотима розияллоҳу анҳога никоҳланганларида, бир ансорий саҳоба бир уйни бўшатиб у кишига топширган эди.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида, Абу Айюбнинг уйида бир йил ёки шунга яқин турдилар. Али Фотимага уйланганларида, Алига қарата: Турар жой топ дедилар....” *(Ат-Табақотул Кубро либни-Саъд. 7-жилд, 22-бет)*

Ўша уйда ҳеч нарса йўқ эди. Уни обод қилишлик учун қарамоқларига олганликлари жиҳатидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча зарурий жиҳозларни ташкиллаштириб берган эдилар ва у ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз тарафларидан бўлмаган эди. Балки, Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу совутларини 480 дирҳамга сотиб, никоҳдан олдин адо қилган Фотима розияллоҳу анҳонинг маҳрларидан бўлган эди. *(Мажмаъуз завоид ва манбаъул фавоид. 5-жилд, 205-бет)*

Хуллас, уч қизлари Зайнаб, Руқия ва Умму Кулсум розияллоҳу анҳуннага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан сеп берилгани собит эмасдир. Худди шундай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўйлар бобида сепни зикр қилмаганлар. Саҳобаи киромлар розияллоҳу анҳум сийратлари ва ҳолатларида ҳам сеп олганликлари ва берганликлари собит эмас. Балки, Қуръони карим, ҳадиси шарифда, аввалги фуқаҳолар ва тўрт имомнинг китобларида ҳам сеп собит эмас. Шунга қарамасдан сеп Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларими?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳонинг тўй пайтларида зарурий жиҳозларини ташкил қилишга буюрганликлари, маҳрга берилган пулдан қилинган эди. Шунинг учун ҳозирги даврда одат бўлган сепнинг жоиз бўлишига уни далил қилишлик жаҳолат, илмсизлик, нафсоний ҳошишотларга эргашишлик ва Аллоҳнинг ҳадларига хилофликдир. Бундан сақланишлик лозимдир.

Абдулқайюм Комил таржимаси